

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ ҒАНИШЕР МУХАММАДИЕВИЧ

**ЁШЛАРДА ИММУНОЛОГИК ҲОЛАТНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА АРТРОЗО-АРТРИТ КАСАЛЛИГИНИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.36 –Аллергология ва иммунология

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contentsof dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Расулов Ганишер Мухаммадиевич Ёшларда иммунологик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда артрозо-артрит касаллигини комплекс даволашни оптималлаштириш.....	3
Расулов Ганишер Мухаммадиевич Оптимизация комплексного лечения артрозо-артрита у лиц молодого возраста с учетом иммунологического состояния.....	27
Rasulov Ganisher Mukhammadievich Optimization of complex treatment of arthrotic arthritis in young people, taking into account the immunological state,.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	56

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАСУЛОВ ҒАНИШЕР МУХАММАДИЕВИЧ

**ЁШЛАРДА ИММУНОЛОГИК ҲОЛАТНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА АРТРОЗО-АРТРИТ КАСАЛЛИГИНИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.36 –Аллергология ва иммунология

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Tib5025 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Хамдамов Бахтиёр Зарифович тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Хамроев Фарход Шарапович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Файзуллаева Нигора Яхъяевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Асилова Саодат Убаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74.Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunology@academy.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс: +99871-207-08-30.

Диссертация автореферати 2025 йил « _____ » _____ кунни тарқатилди.
(2025 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда артрозо-артритлар инсонлар ҳаёт сифати пасайиши, юқори даражадаги ногиронлик, жамият ва оилага сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарар келтирадиган касалликлардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига маълумотларига кўра «...2020 йилда дунёда 595 миллион киши артрозо-артрит касаллигига чалинган бўлиб, 2050 йилга бориб тизза бўғимининг артрозо-артрит ҳолатлари 75%га, қўллар 49 %га, сон бўғимининг артрозо-артрит ҳолатлари 79%га ва бошқа маҳаллийлаштирилган артрозо-артрит ҳолатлари 95%га кўпайиши башорат қилинмоқда»¹. Инсонларда артрозо-артрит касаллиги учраш даражасининг юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида артрозо-артритлар натижасида юзага келадиган асоратлар, жумладан бўғимларнинг дегенератив касаллигининг ривожланиш хавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада артрозо-артритлар этиопатогенезининг хусусиятларини аниқлаш, беморлар метаболик ва маҳаллий ва тизимли иммунологик ҳолати ўзгаришларини аниқлаш, гормонал ҳолат хусусиятларини аниқлаш, касалликка ирсий мойиллигини аниқлаш, молекуляр-генетик маркерларини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда артрозо-артритлар эрта ташхислаш, клиник, диагностик ва прогностик мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда керакли даволаш ва профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан бўғим касалликлари ва уларнинг салбий оқибатларга олиб келадиган омилларни аниқлаш, эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасиниянги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, артрозо-артритларида иммун тизим фаолияти ҳамда касаллик ривожланишига таъсир қилувчи омилларни янги жиҳатларини аниқлаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ WHO. World health statistics, 2022. <http://www.globalarthritisreport.org/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда бўғимларда дегенератив-деструктив жараёнининг ривожланишига фақат ёшга боғлиқ ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб сабаблар ва механизмлар асос бўлмоқда. Сўнгги йилларда АА ривожланишига генетик мойиллик, биомеханик ва метаболик ўзгаришлар, маҳаллий яллиғланиш ва бошқаларнинг таъсири тўғрисида далиллар олинди (Насонова В.А., 2020; Алексеева Л.И., 2017; Dahaghin S. et al., 2022).

Замонавий тасаввурларга кўра, яллиғланиш нафақат касалликнинг клиник кўринишларига таъсир қилади, балки АА (Чичасова Н.В., 2022; Saxne T. et al., 2023). Хафтага шикаст етказилганда ҳосил бўладиган антиген участкалари синовиал яллиғланишни қўллаб-қувватлайдиган ва катаболик жараёнларнинг анаболик жараёнлардан устунлиги оқибатида бўғимдаги деструктив ўзгаришларни ривожлантиришга ёрдам берадиган иммун жавобни келтириб чиқаради (Е.Л. Насонов, 2007; Seung-Ah Yoo. et al., 2017). Шу билан бирга, АА давомида локал ва сурункали яллиғланишнинг аҳамияти ҳақидаги масала мунозарали бўлиб қолмоқда (Edward T.H., 2024; Carlson C.S. et al., 2019).

Кўплаб тадқиқотларда дегенератив-деструктив бўғимлар касаллиги билан оғриган беморларда яллиғланиш маркёрлари концентрациясининг ошиши қайд этилган (Abramson S.B., 2021; Andersson M.LE. et al., 2020). Аммо СРБ, IL-1 β , IL-6, IL-8 ва IFN- γ таркибидаги ўзгаришларнинг АА клиник хусусиятларига боғлиқлиги ҳозиргача етарлича ўрганилмаган.

EULAR и АКР нинг ААни даволаш бўйича замонавий тавсиялари (2003 - 2007 йиллар) исботловчи тиббиёт тамойилларига асосланган бўлиб, гиёҳванд бўлмаган усуллар, симптоматик тез- (SADOA) ва секин ишлайдиган (SYSADOA) дори воситаларини ўз ичига олади. Турли даволаш усуллариининг самарадорлиги ва хавфсизлиги бўйича тадқиқотлар натижалари турли хил (Towheed T. et al.,

2023; Clegg DO. et al., 2020). Шу муносабат билан бўғимларнинг дегенератив-деструктив касаллигини даволашнинг турли схемалари самарадорлигини ўрганиш шубҳасиз қизиқиш уйғотади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №05.2022 PhD 143-сонли «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларда иммунологик ва метаболик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда артрозо-артрит касаллигини комплекс даволашни оптималлаштириш дан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшига қараб артрозо-артрит билан оғриган беморларнинг клиник-лаборатор ва функционал кўрсаткичларини аниқлаш;

ёшига қараб артрозо-артрит билан оғриган беморларда қон зардоби ва синовиал суюқликда иммун яллиғланиш кўрсаткичларини ўрганиш;

ёшига қараб артрозо-артрит билан оғриган беморларда қон зардоби ва синовиал суюқликда гуморал иммунитет ва метаболик ҳолат кўрсаткичларини ўрганиш;

PRP-терапия билан оптималлаштирилган даволаш усулини артрозо-артритларда иммун яллиғланиш, гуморал иммунитет ва метаболик ҳолат кўрсаткичларига таъсирига кўра самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий ижтимоий ҳимоя агентлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази клиникасида даволанган 18-60 ёшдаги артрозо-артрит билан касалланган 96 нафар беморлар ва назорат гуруҳи сифатида 20 нафар гематомасиз пост-травматик синовит ташхиси билан беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида артрозо-артрит касаллиги билан касалланган беморлар вена қони ва зардоби ҳамда синовиал суюқлиги умумклиник, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клинко-лаборатор, биокимёвий инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор артрозо-артритли ёш ва ўрта ёшдаги шахслар қон зардоби ва синовиал суюқлигида гематологик (лейкоцитлар, тромбоцитлар, лимфоцитлар), иммун яллиғланиш (СРБ, ИЛ-6, sIL-6R ва IL-8), иммунитетнинг гуморал бўғини (Ig A, M, G, E, sIgA, ЦИК) ва метаболик (СОД, МДА, ИФР-1) омиллари кўрсаткичлари маҳаллий ва тизимли даражада ўзгариши сабабли сурункали яллиғланиш ривожланиши исботланган;

илк бор ўрта ёшдаги беморлар синовиал суюқлигида IgE ва sIgA миқдори ошиши фонида яллиғланиш омиллари (СРБ, ИЛ-6, sIL-6R ва IL-8) миқдорининг

ёш беморларга нисбатан юқорилиги сабабли сурункали яллиғланиш дегенератив-дистрофик ҳолат ривожланишига олиб келиши аниқланган;

илк бор артрозо-артритлари ёш беморлар қон зардоби ва синовиал суюқликдаги супероксиддисмутазанинг камайиши ва малон диальдегид даражасининг ошиши фонида ИФР-1 миқдорининг ўрта ёшдагиларга нисбатан юқорилиги ушбу ёш гуруҳ беморлар бўғимларида регенерация ва компенсатор реакциялар фаол кечишига сабаб бўлиши аниқланган.

илк бор комбинацияланган PRP-терапиясини қўллаш айниқса ёш АА билан оғриган беморларда иммун яллиғланиш, гуморал ва метаболик кўрсаткичларга маҳаллий ва тизимли даражада коррекцияловчи таъсир кўрсатиши билан тавсифланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

артрозо-артритли беморлар қон зардоби ва синовиал суюқлигида гуморал иммунитет (Ig A, M, G, E, sIgA, ЦИК) ва иммун яллиғланиш омиллари кўрсаткичларини (СРБ, ИЛ-6, sIL-6R ва ИЛ-8) аниқлаш асосланган;

илк бор артрозо-артритли беморларда метаболик маркерлар (СОД, МДА, ИФР-1) кўрсаткичлари ёшга боғлиқ ўзгаришлари аниқланган;

илк бор артрозо-артритли ёшларда иммун ва оксидатив статус кўрсаткичларини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

артрозо-артрит билан касалланган беморларни комбинацияланган даволашда PRP-терапиини қўллаш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, биокимёвий, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшларда иммунологик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда артрозо-артрит касаллигини комплекс даволашни оптималлаштириш артро-артритли беморлар қон зардоби ва синовиал суюқлигида гематологик (лейкоцитлар, тромбоцитлар, лимфоцитлар), иммун яллиғланиш (СРБ, ИЛ-6, sIL-6R ва ИЛ-8), иммунитетнинг гуморал бўғини (Ig A, M, G, E, sIgA, ЦИК) ва метаболик (СОД, МДА, ИФР-1) омиллари кўрсаткичлари маҳаллий ва тизимли даражада ўзгариши сабабли сурункали яллиғланиш ривожланиши исботланганлиги, ўрта ёшдаги беморлар синовиал суюқлигида IgE ва sIgA миқдори ошиши фонида яллиғланиш омиллари (СРБ, ИЛ-6, sIL-6R ва ИЛ-8) миқдорининг ёш беморларга нисбатан юқорилиги сабабли сурункали яллиғланиш дегенератив-дистрофик ҳолат ривожланишига олиб келиши аниқланганлиги, артрозо-артритлари ёш беморлар қон зардоби ва синовиал суюқликдаги супероксиддисмутазанинг камайиши ва малон диальдегид даражасининг ошиши фонида ИФР-1 миқдорининг ўрта ёшдагиларга нисбатан юқорилиги ушбу ёш гуруҳ беморлар бўғимларида регенерация ва компенсатор

реакциялар фаол кечишига сабаб бўлиши аниқланганлиги ҳамда комбинацияланган PRP-терапиясини қўллаш айниқса ёш АА билан оғриган беморларда иммун яллиғланиш, гуморал ва метаболик кўрсаткичларга маҳаллий ва тизимли даражада коррекцияловчи таъсир кўрсатиши билан тавсифланганлиги исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти артрозо-артритли беморлар қон зардоби ва синовиал суюқлигида гуморал иммунитет (Ig A, M, G, E, sIgA, ЦИК) ва иммун яллиғланиш омиллари кўрсаткичларини (СРБ, IL-6, sIL-6R ва IL-8) аниқлаш асосланганлиги, илк бор артрозо-артритли беморларда метаболик маркерлар (СОД, МДА, ИФР-1) кўрсаткичлари ёшга боғлиқ ўзгаришлари аниқланганлиги, илк бор артрозо-артритли ёшларда иммун ва оксидатив статус кўрсаткичларини баҳолаш усули ишлаб чиқилганлиги ва артрозо-артрит билан касалланган беморларни комбинацияланган даволашда PRP-терапиини қўллаш асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшларда иммунологик ва метаболик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда артрозо-артрит касаллигини комплекс даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор артрозо-артритли ёш ва ўрта ёшдаги шахслар қон зардоби ва синовиал суюқлигида гематологик (лейкоцитлар, тромбоцитлар, лимфоцитлар), иммун яллиғланиш (СРБ, IL-6, sIL-6R ва IL-8), иммунитетнинг гуморал бўғини (Ig A, M, G, E, sIgA, ЦИК) ва метаболик (СОД, МДА, ИФР-1) омиллари кўрсаткичлари маҳаллий ва тизимли даражада ўзгариши сабабли сурункали яллиғланиш ривожланиши исботланганлиги бўйича «Артрозо-артритли беморларнинг иммун ва оксидатив мақоми кўрсаткичларини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 9-сонли ҳулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур тақлиф Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси бўйича 07.03.2025 йилдаги 46-сонли ва Кашқадарье вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 05.03.2025 йилдаги 58-сонли буйруқлари билан клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, артрозо-артритларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникаси ва Кашқадарье вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётга жорий этилиши артрозо-артритли беморларнинг иммунологик ва оксидатив тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш усулини қўллаш даволаш тактикаси ва муддатларини оптималлаштириш, касаллик якуни истиқболни белгилаш орқали ҳар бир беморга нисбатан 1500000 сўм иқтисодий самарадорлик бериши асосланган. *Ҳулоса:* артрозо-артритли ёш ва ўрта ёшдаги шахслар қон зардоби ва синовиал

суяқлигида гематологик, иммун яллиғланиш, иммунитетнинг гуморал бўғини ва метаболик омиллари кўрсаткичлари ўзгариши сабабли сурункали яллиғланиш ривожланиши асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор ўрта ёшдаги беморлар синовиал суяқлигида IgE ва sIgA миқдори ошиши фонида яллиғланиш омиллари (СРБ, ИЛ-6, sIL-6R ва IL-8) миқдорининг ёш беморларга нисбатан юқорилиги сабабли сурункали яллиғланиш дегенератив-дистрофик ҳолат ривожланишига олиб келиши аниқланганлиги бўйича «Артрозо-артритли беморларнинг иммун ва оксидатив мақоми кўрсаткичларини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 9-сонли ҳулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси бўйича 07.03.2025 йилдаги 46-сонли ва Кашқадарье вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 05.03.2025 йилдаги 58-сонли буйруқлари билан клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, артрозо-артритларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникаси ва Кашқадарье вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига жорий этилиши артрозо-артритли беморларнинг иммунологик ва оксидатив тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш усулини қўллаш даволаш тактикаси ва муддатларини оптималлаштириш, касаллик якуни истиқболни белгилаш орқали ҳар бир беморга нисбатан 1500000 сўм иқтисодий самарадорлик бериши асосланган. *Ҳулоса:* ўрта ёшдаги беморлар синовиал суяқлигида IgE ва sIgA миқдори ошиши фонида яллиғланиш омиллари (СРБ, ИЛ-6, sIL-6R ва IL-8) миқдорининг ёш беморларга нисбатан юқорилиги сабабли сурункали яллиғланиш дегенератив-дистрофик ҳолат ривожланишига олиб келиши аниқланган;

учинчи илмий янгилиги: артрозо-артритлари ёш беморлар қон зардоби ва синовиал суяқликдаги супероксиддисмутазаининг камайиши ва малон диальдегид даражасининг ошиши фонида ИФР-1 миқдорининг ўрта ёшдагиларга нисбатан юқорилиги ушбу ёш гуруҳ беморлар бўғимларида регенерация ва компенсатор реакциялар фаол кечишига сабаб бўлиши аниқланганлиги бўйича «Артрозо-артритли беморларнинг иммун ва оксидатив мақоми кўрсаткичларини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 9-сонли ҳулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси бўйича 07.03.2025 йилдаги 46-сонли ва Кашқадарье вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича

05.03.2025 йилдаги 58-сонли буйруқлари билан клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, артрозо-артритларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникаси ва Кашқадарье вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига жорий этилиши артрозо-артритли беморларнинг иммунологик ва оксидатив тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш усулини қўллаш даволаш тактикаси ва муддатларини оптималлаштириш, касаллик якуни истиқболини белгилаш орқали хар бир беморга нисбатан 1500000 сўм иқтисодий самарадорлик бериши асосланган. *Хулоса:* артрозо-артритлари ёш беморлар қон зардоби ва синовиал суюқликдаги ИФР-1 микдорининг ўрта ёшдагиларга нисбатан юқорилиги ушбу ёш гуруҳ бўғимларида регенерация ва компенсатор реакциялар фаол кечилишига сабаб бўлиши асосланган

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор комбинацияланган PRP-терапиясини қўллаш айниқса ёш АА билан оғриган беморларда иммун яллиғланиш, гуморал ва метаболик кўрсаткичларга маҳаллий ва тизимли даражада коррекцияловчи таъсир кўрсатиши билан тавсифланганлиги исботланганлиги бўйича «Артрозо-артритли беморларнинг иммун ва оксидатив мақоми кўрсаткичларини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 9-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси бўйича 07.03.2025 йилдаги 46-сонли ва Кашқадарье вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 05.03.2025 йилдаги 58-сонли буйруқлари билан клиник амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, артрозо-артритларни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кўп тармоқли клиникаси ва Кашқадарье вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига жорий этилиши артрозо-артритли беморларнинг иммунологик ва оксидатив тизимидаги ўзгаришларни баҳолаш усулини қўллаш даволаш тактикаси ва муддатларини оптималлаштириш, касаллик якуни истиқболини белгилаш орқали хар бир беморга нисбатан 1500000 сўм иқтисодий самарадорлик бериши асосланган. *Хулоса:* комбинацияланган PRP-терапиясини қўллаш самарадорлиги айниқса ёш АА билан оғриган беморларда иммун яллиғланиш, гуморал ва метаболик кўрсаткичларга маҳаллий ва тизимли даражада яхшиланиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Артрозо-артритларни замонавий патогенетик жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида турли ёшдагиларда артрозо-артрит ривожланишининг этиопатогенези хусусиятлари ҳақидаги замонавий ғоялар таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда дунёнинг турли мамлакатларида артрозо-артритларнинг тарқалиши бўйича маълумотлар тақдим этилди. Артрозо-артритларда синовиал суюқликни ўрганишнинг прогностик жиҳатлари бўйича адабий маълумотлар таҳлил қилинди. Синовиал парданинг сурункали яллиғланишининг табиати, бўғимларнинг синовит ва дегенерациясига олиб келиши, артрозо-артрит патогенезида яллиғланишни узайтирувчи ва бўғимларни бузувчи яллиғланиш, иммунологик ва метаболик омилларнинг аҳамияти ҳақида чуқур таҳлил ўтказилди. Артрозо-артритларни даволашнинг замонавий усуллари кичик бўлимида ААни даволашнинг анъанавий вариантлари, жумладан, ностероид яллиғланишга қарши препаратлар, глюкокортикоидлар, опиоидлар, симптоматик воситалар, хондропротекторлар ва антицитокинлар кўриб чиқилди, шунингдек, антицитокинни даволаш имконияти кўриб чиқилди.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган статистик, клиник ва лаборатория тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот материали тавсифланган, натижаларга статистик ишлов берилган.

Тадқиқотлар 2022-2023 йилларда стационар даволаниш вақтида АА билан касалланган беморларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий ижтимоий ҳимоя агентлиги ҳузуридаги Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази клиникасида мониторинг

қилиш натижаларига асосланган. Беморлар ялпи танлаш усули билан тадқиқотга киритилди. Таққослашнинг репрезентатив гуруҳларини танлаш учун тадқиқотга киритиш ва чиқариб ташлаш мезонлари жорий этилди.

Ушбу тадқиқотга **киритиш мезонлари** куйидагилар эди:

- ✓ беморнинг тадқиқотда иштирок этишга хабардор қилинган розилиги;
- ✓ классификация мезонларига мувофиқ тизза бўғимлари асосан шикастланган АА бирламчи клиник ташхиси (артрозо-артрит)
- ✓ 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар;
- ✓ синовиал бўшлиққа чиқиб кетган АА клиникасининг мавжудлиги (синовит).

Ушбу тадқиқотда **иштирок этишни истисно қилиш мезонлари** куйидагилар эди:

- ✓ 18 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта бўлган;
- ✓ таянч-ҳаракат тизимининг тизимли касалликлари ва травматик шикастланишлари мавжудлиги;
- ✓ анамнезда ўтказилган ревматоид артрит тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;
- ✓ сўнгги 6 ой давомида глюкокортикоид терапиясини қўллаш;
- ✓ мижознинг бошқа препаратлар ва даволаш усулларини текширишда иштирок этиши;
- ✓ ОИВ/ОИТСнинг тасдиқланганлиги, юқумли, онкологик, аутоиммун касалликлари мавжудлиги.

Текширилган беморларни ёш гуруҳларига ажратиш ЖССТ таснифига (2017 йил) кўра амалга оширилди. Кўриқдан ўтган 96 беморнинг барчаси ёш мезонига кўра 2 гуруҳга бўлинди, чунки асосий мақсад ёш беморларда АА оқимининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш эди ва таққослаш учун биз ўрта ёшдаги АА беморларини олдик. Шундай қилиб, 1-гуруҳга текширилган беморлар умумий сонининг 54,2 %ни ташкил этган 52 нафар ёш (18 ёшдан 44 ёшгача), 2-гуруҳга мос равишда 44 нафар ўрта ёшдаги (45 ёшдан 59 ёшгача) шахслар киритилган бўлиб, уларнинг сони тадқиқотга киритилган беморлар умумий сонининг 45,8%ни ташкил этган. Назорат гуруҳи гематомасиз пост-травматик синовит билан мурожаат қилган 20 нафар беморни ташкил этди.

АА билан касалланган беморларни клиник текшириш шикоятлар ва анамнезларни йиғиш, пальпация, перкуссия, бўғимларнинг функционал ҳолатини ўлчаш усулларини қўллаган ҳолда кўриқдан ўтказишни ўз ичига олган. Барча беморлар стационарга қабул қилинганда лейкоцитлар, лимфоцитлар, моноцитлар, гранулоцитлар (мутлақ ва нисбий миқдорлари), лимфоцитлар, гемоглобин, эритроцитлар сонини, эритроцитлар, тромбоцитларнинг ўртача ҳажмини, тромбоцит, йирик тромбоцитлар, СОЭ, С-реактив оқсил, АЦ, протромбин вақти, протромбин индексининг қийматлари, АТВ, фибриноген, МНО, шунингдек сийдикнинг умумий таҳлили кўрсаткичлари кирди.

Рентгенологик босқич (Штейнброкер бўйича) куйидаги мезонлар бўйича аниқланди: I (енгил периартикуляр остеопороз), II (ўртача периартикуляр остеопороз, бўғим оралиғининг торайиши, битта (1-4) эрозия), III (олдинги босқич белгилари, бир нечта эрозия (5 ёки ундан кўп), бўғимларда сублуксациялар / дислокациялар), IV (олдинги босқичнинг белгилари + суяк

анкилози).

Функционал синф куйидагича баҳоланди: I - ўз-ўзига хизмат кўрсатиш (кийиниш, овқатланиш, шахсий парвариш ва ҳ.к.), нопрофессионал (дам олиш, дам олиш, спорт ва бошқалар элементлари) ва 60та касбий фаолият (ўқиш, ишлаш, уй-рўзгор ишлари) сақланади; II - ўз-ўзини парвариш қилиш ва касбий фаолият сақланиб қолади, нопрофессионал фаолият чекланган; III - ўз-ўзига хизмат кўрсатиш сақланиб қолади, нопрофессионал ва касбий фаолият чекланган; IV - ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, касбий бўлмаган ва касбий фаолият чекланган. Текширув вақтида барча беморлар касалликнинг фаоллигини ва доридармонларни қабул қилиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда дори терапиясини олганлар.

Барча беморларга клиник кўрик ва Kellgren-Lawrence рентгенологик таснифи асосида тизза бўғимининг 1-2 даражали артрозо-артрит ташхиси қўйилди. Синовиал ва оғриқ синдромларини баҳолаш визуал аналог шкаладан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Иккала гуруҳга ҳам ВАШ шкаласи бўйича 45 дан паст бўлмаган ва WOMAC индекси бўйича 50 дан паст бўлмаган беморлар киритилган. Агар 46-67 балл оралиғида ВАШ бўйича 56,8 балл бўлса, WOMAC индекси бўйича 51-74 балл 62,6 баллни ташкил этди.

Синовит билан оғриган тизза бўғими АА билан текширилган барча беморларда оғриқ маҳаллий яллиғланиш билан бирга бўлган. Уларда WOMAC индексининг ҳар бир кўрсаткичининг статистик жиҳатдан ишончли устунлиги (оғриқ интенсивлиги, кучи, функционал қобилияти) қайд этилди. АА билан оғриган беморларнинг иккала ёш гуруҳида ҳам WOMAC ва унинг таркибий қисмларининг умумий индекси юқори бўлган.

А, М, G, E асосий тоифадаги иммуноглобулинлар ва А секреторли иммуноглобулин қон зардобидаги ва синовиал суюқлигидаги концентрацияни аниқлаш «Вектор Бест» АЖ (Россия) тизимлари тестидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент таҳлили (ИФА) усули билан илова қилинган йўриқномага мувофиқ амалга оширилди. ЦИК ўлчамлари ПЭГнинг турли концентрацияларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. Паст концентрацияли ПЭГларни йирик, антителалар устунлик қилади, юқори концентрацияларда антигенлар кўп бўлади. А, М, G, E асосий синф иммуноглобулинларни натижалари мкг/мл, А секретор иммуноглобулин миқдори эса нг/мл га ўрганилган. Яллиғланишга ҳос ва яллиғланишга қарши цитокинлар (IL-6, sIL-6R и IL-8) миқдори қон зардобида «АО Вектор-Бест» (Новосибирск, Россия) ва (BIOMERICA, INC., Nordic Bioscience Diagnostics, USA) тест-системалари ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг «**Артрозо-артритли беморларнинг ёшига қараб клиник-функционал ва лаборатория кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида артрозо-артритли беморларнинг ёшига қараб клиник-функционал ва лаборатор кўрсаткичларини баҳолаш тақдим этилган.

Беморларни жинси бўйича кўриб чиқишда 1 ва 2-гуруҳ беморларида ҳам аёллар сони эркаклардан устун эканлиги аниқланди. Ёш беморларнинг 71,1%ни аёллар ташкил этган бўлса, ўрта ёшдагилар орасида бу кўрсаткич юқорирок

бўлиб, 88,6% ташкил этди. Агар кўриб чиқиладиган гуруҳларда аёллар ва эркекларнинг АА билан учрашиш нисбатини кўриб чиқадиган бўлсак, ёш беморларнинг 1-гуруҳида эркеклар ва аёллар нисбати 1:2,46, ўрта ёшдаги беморларнинг 2-гуруҳида эса бу нисбат 1:7,78 бўлган. Яъни, АА ривожланишига эркекларнинг таъсирчанлиги ёшларда ўртача ёшдагидан 3 баравар кўп бўлган, бу эса ўтказиладиган АА даволаш усуллари аниқлаш ва шахслаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотнинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлайди.

Текшириладиган 1 ва 2 гуруҳ АА беморлари орасида ёндош касалликлар таркибини кўриб чиқишда улар ўртасидаги сезиларли фарқлар аниқланди. Биринчи навбатда шуни таъкидлаш керакки, 1-гуруҳда 67,32% беморда ёндош касаллик аниқланмаган бўлса, 2-гуруҳда бу кўрсаткич 2,7 баробар паст бўлиб, бор-ёғи 25,04% ни ташкил этди.

Шундан сўнг биз беморларнинг ёшига қараб текшириладиган гуруҳлардаги ёндош касалликлар таркибини кўриб чиқдик ва шуни таъкидлаш керакки, ёш беморлар орасида аниқланган қўшимча касалликлар спектри ўрта ёшдагига қараганда камроқ бўлган ва сурункали холецистит, сурункали гастрит, НСДнинг аралаш шакли, 1,2,3 даражали семириш, 1,2 даражали гипертензия ва 1 даражали артериал гипертензияни ўз ичига олган. Ўрта ёшдаги беморларда ушбу рўйхатга 2-даражали артериал гипертензия ва юқорида санаб ўтилган касалликларнинг турли комбинацияси қўшилади.

Текширилган беморларда аниқланган касалликни рентгенологик ҳолат ва функционал фаоллик бўйича баҳолаш ҳам беморларнинг ёшига қараб фарқ қилди. Ўрганилган маълумотларга кўра, ёш АА беморларида касалликнинг I рентгенологик босқичи 65,38%, II босқичи 34,62% ҳолларда учраган. Ўрта ёшдаги АА беморларида бу тақсимот мос равишда 13,63% ва 86,36% ни ташкил этган.

Артроз-артрит билан оғриган беморларда бўғимларнинг функционал етишмовчилик даражасини ўрганиш ёшига қараб бўғимларнинг 0 ва I даражали етишмовчилигини аниқланди. Ёш беморларда 0 даража 34,8%, I даража 65,2% ҳолатларда аниқланган. Ўрта ёшдаги беморларда бу кўрсаткичлар тахминан бир хил бўлган ва мос равишда 32,0% ва 68,0% ҳолатларга тенг бўлган.

Кичик ёшдаги беморларда ААнинг II рентгенологик босқичи ўрта ёшдаги беморларга қараганда 6,3 баробар кам (13,63% ҳолатлар) аниқланганига (86,36% ҳолатлар) қарамадан, ААнинг иккала гуруҳида ҳам бўғимларнинг функционал етишмовчилиги бир хил даражада аниқланганига эътибор қаратмоқчиман, бу ёш беморларда АА ривожланишининг социал аҳамиятини кўрсатади.

АА диагностикаси ва мониторинги, унинг ривожланиши ва терапевтик ёндашувларини тузатиш мақсадида гематологик, биокимёвий, яллиғланиш, метаболик ва иммунологик кўрсаткичларни ўз ичига олган комплекс лаборатория текшируви ўтказилди.

Тадқиқот давомида ёш гуруҳлари: ёш (1-гуруҳ) ва ўрта ёшдаги (2-гуруҳ) бўлган артрозли беморларда гемограмма кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Назорат гуруҳи сифатида ушбу патологиясиз шахслар кўриб чиқилди.

АА беморларининг лейкоцитар бўғини ҳам беморларнинг ёшига қараб ўзига хос хусусиятларга эга эди. Беморларнинг иккала гуруҳидаги лейкоцитлар сони назорат гуруҳига қараганда ($6,8 \pm 0,19 \times 10^9/\text{л}$ ва $6,5 \pm 0,37 \times 10^9/\text{л}$, $5,7 \pm 0,63 \times 10^9/\text{л}$) юқори бўлиб, яллиғланиш жараёни мавжудлигини кўрсатиши мумкин. Лимфоцитларнинг фоиз миқдори ҳам ўзгариб туради: ёш беморларда бу кўрсаткич бироз юқори ($28,3 \pm 2,72\%$) бўлса, ўрта ёшдаги гуруҳда назорат гуруҳига ($25,68 \pm 2,21\%$) нисбатан пасайиш ($22,65 \pm 2,8\%$) қайд этилган.

Гемостаз параметрларини кўриб чиқишда тромбоцитлар сони гуруҳлар ўртасида сезиларли даражада ўзгарганлиги аниқланди: ёшларда у энг кам ($160,1 \pm 18,62 \times 10^9/\text{л}$) бўлган бўлса, ўрта ёшдаги гуруҳда назорат қийматларининг ошиши ($198,67 \pm 11,3 \times 10^9/\text{л}$) қайд этилган. Тромбоцит кўрсаткичи ёшга нисбатан ўсди (1 гуруҳда $2,3 \pm 0,12$, 2 гуруҳда $2,6 \pm 0,27$, назоратда $2,1 \pm 0,23$). Ёш беморларда йирик тромбоцитлар сони энг юқори ($78,2 \pm 4,04$), ўртача ёшда эса пасайиш ($61,4 \pm 2,86$) кузатилган, бу эса тромбоцитар бўғиннинг ёшга боғлиқ ўзгаришларини кўрсатиши мумкин.

Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги тўғрисида айтиш мумкинки, ЭЧТ миқдори барча гуруҳларда физиологик қийматлар доирасида сақланиб қолган, аммо ёшга оид тебранишлар кузатилган: ёш беморларда у ($10,29 \pm 0,79$ мм/соат) паст бўлган, ўрта ёшдаги гуруҳда эса назорат кўрсаткичларидан ($12,2 \pm 0,61$ мм/соат) бир оз юқори бўлган ($11,13 \pm 0,54$ мм/соат).

Шундай қилиб, олинган маълумотлар артрозо-артрит билан оғриган беморларда гемограмма параметрларининг ёш бўйича ўзгаришларини кўрсатади. Ёшлиқда эритроцитлар, гемоглобин ва йирик тромбоцитлар даражасининг нисбатан ошиши кузатилса, ўрта ёшда эса лейкоцитар ва тромбоцитар бўғинларда ўзгаришлар кузатилади, бу эса кучайиб бораётган яллиғланиш ва гемокоагуляция ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «**Маҳаллий ва тизимли даражада артроз-артрит билан оғриган беморларнинг иммун яллиғланиш, гуморал ва метабolik мақоми кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобда АА билан оғриган беморларда иммун яллиғланиш жараёни, гуморал ва метабolik жараёнлар мавжудлиги ва фаоллик даражасини тизимли ва маҳаллий даражада аниқлаш вазифаси кўйилган.

ААда иммун яллиғланиш жараёнлари асосан сурункали бўлиб, ревматоид артритда ўткир яллиғланишдан фарқловчи хусусиятларга эга. Асосий иммун яллиғланиш ўзгаришлари биринчи навбатда синовиал қобикнинг яллиғланишини ўз ичига олади, бу эса ишлаб чиқариладиган синовиал суюқлик миқдорининг кўпайиши ва иммунитет хужайраларининг инфльтрацияси билан бирга келади. Яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқаришни давом эттириш: интерлейкин-1 β (IL-1 β), интерлейкин-6 (IL-6) ва маҳаллий хемокинлар (IL-8) макрофаглар ва бошқа иммун хужайраларнинг фаоллашувини келтириб чиқариб, тоғайнинг деградациясига ёрдам беради ва яллиғланишни янада кучайтиради: бу хужайралар ўз навбатида бўғим тўқималарини дегенерациясини кучайтирувчи ферментлар ва медиаторлар ишлаб чиқаради.

АА билан оғриган беморларда ушбу яллиғланиш медиаторлари даражасининг ўзгариши ҳақидаги фикрларнинг ноаниқлиги СРО, IL-6, унинг эрувчан рецепторлари (sIL-6R) ва IL-8 хемокинининг ёшга боғлиқлигини маҳаллий ва тизимли даражада ўрганишга бўлган қизиқишни аниқлади (1-жадвал, 2-жадвал).

1-жадвал

ААли беморларда ёшига кўра қон зардобдаги иммунояллиғланиш кўрсаткичлари

	Назорат гуруҳи	Ёш беморлар	Ўрта ёшдаги беморлар
СРО, мг/л	3,43±0,13	8,4±0,69*	4,6±0,26
IL-6, пг/мл	5,1±1,02	10,21±1,38*	8,67±1,12
sIL-6R, пг/мл	41,21±3,62	87,6±4,2*	65,34±6,7*
IL-8, мг/мл	8,64±0,74	16,3±1,25	13,8±1,32

Изоҳ:

* - кўрсаткичларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқи $p < 0,05$

Интерлейкин-6 (IL-6) концентрацияси ёш беморларда (10,21±1,38 пг/мл, $p < 0,05$) назорат гуруҳига (5,1±1,02 пг/мл) нисбатан статистик жиҳатдан анча юқори. Бирок, ўрта ёшдаги беморларда (8,67±1,12 пг/мл) IL-6 даражаси ёш беморларга нисбатан бироз пасайган, бу ёшга оид иммун жавобнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши мумкин. Тадқиқот натижалари нафақат ўрганилаётган цитокиннинг АА ривожланишида иштирок этишини тасдиқлайди, балки тизза бўғимларида шиш бўлган беморларда сурункали яллиғланиш жараёнлари агрессивлигини ҳам кўрсатади.

Маълумки, IL-6 таъсирига тўлиқ иммунитет реакцияси фаоллашган ҳужайралар юзасида ушбу яллиғланиш воситачисига рецепторларнинг зарур даражасигача кўпайиши мумкин (Weyand M.C. et al., 2020). Интерлейкин-6 (sIL-6R) эрувчан рецепторининг даражаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Назорат гуруҳида унинг даражаси 41,21±3,62 пг/мл ни ташкил этади, ёш беморларда эса у икки баравар кўпаяди (87,6±4,2 пг/мл, $p < 0,05$). Ўрта ёшдаги беморларда sIL-6R концентрацияси 65,34±6,7 пг/мл га этади, бу назорат гуруҳига ва ёш беморларга нисбатан кўпайишни англатади ($p < 0,05$).

Интерлейкин-8 (IL-8) концентрацияси ёш (16,3±1,25 мг/мл, $p < 0,05$) ва ўрта ёшдаги (13,8±1,32 мг/мл) беморларда назорат гуруҳига (8,64 ± 0,74 мг/мл) нисбатан ишончли юқори (1-жадвал).

Синовиал суюқликдаги яллиғланиш кўрсаткичлари ёшга қараб ўсиб бораётган тенденцияни кўрсатмоқда (2-жадвал).

IL-6 концентрацияси ўрта ёшдаги беморларда (13,45±1,24 пг/мл, $p < 0,05$) назорат гуруҳига (7,21±1,08 пг/мл) нисбатан ошган. Ёш беморларда бу кўрсаткич 9,43±1,21 пг/мл ни ташкил этади. АА беморларида синовиал суюқликдаги sIL-6R даражаси назорат гуруҳига (69,43±4,42 пг/мл) нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори ($p < 0,05$), аммо ёш гуруҳлари ўртасида ишончли фарқ қилмайди.

**Артрозо-артритли беморларда ёшига кўра синовиал суюкликдаги
иммунояллиғланиш кўрсаткичлари**

	Назорат гурухи	Ёш беморлар	Ўрта ёшдаги беморлар
СРО, мг/л	1,24±0,15	8,4±0,69*	16,6±1,28**
IL-6, пг/мл	7,21±1,08	9,43±1,21	13,45±1,24
sIL-6R, пг/мл	69,43±4,42	94,7±17,9	145,7±16,21
IL-8, мг/мл	12,71±1,23	24,36±1,63*	39,54±1,38**

IL-8 энг аниқ ёш динамикасини намоёиш этмоқда. Ёш беморларда унинг даражаси (24,36±1,63 мг/мл) назорат гуруҳига (12,71±1,23 мг/мл) қараганда сезиларли даражада юқори ($p<0,05$). Ўрта ёшдаги беморларда IL-8 энг юқори кўрсаткичларга (39,54±1,38 мг/мл, $p<0,001$) етади, бу эса бўғим тўқималарида яллиғланиш жараёни ривожланганлигини кўрсатиши мумкин.

IL-6 нинг биологик фаоллиги цитокинлар синтези ва sIL-6R ингибирловчи молекулалари ўртасидаги нисбатга боғлиқ, бундан ташқари, sIL-6R ва IL-6 концентрациясининг номутаносиблиги мослашув ресурсларининг ҳолатини баҳолаш имконини беради (Laura E.Thorp. et al., 2017). Касаллик шаклидан қатъи назар, АА билан оғриган аёлларда бу нисбатда сезиларли ўзгаришлар аниқланган.

Ўрта ёшдаги беморларда sIL-6R ва IL-6 нисбати энг кўп ўзгарганлиги қайд этилди, бу эса айнан шу гуруҳдаги беморларнинг мослашув ресурслари камайиб бораётганини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, sIL-6R ва IL-6 нисбатида энг кўп ифодаланган номутаносиблик иккала ёш гуруҳида ҳам маҳаллий даражада аниқланган бўлса, тизимли даражада номутаносиблик камроқ намоён бўлган.

Шундай қилиб, назорат гуруҳи ва АА беморлари ўртасидаги статистик аҳамиятга эга фарқлар ($p<0,05$) иммун яллиғланиш кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришларни кўрсатади. Ёш АА билан оғриган беморларда IL-6 ва СРО нинг қон зардобидида кўпайиши касалликнинг дастлабки йилларида яллиғланиш фаоллиги янада яққол намоён бўлишидан далолат беради. Ўз навбатида, ўрта ёшдаги беморларда қон зардобидидаги sIL-6R кескин кўпайиши ($p<0,001$) сурункали яллиғланишга хос яллиғланиш жавобини тартибга солиш механизмларидаги ўзгаришларни кўрсатади. Синовиал суюкликда энг муҳим фарқлар IL-8 учун кузатилади, унинг даражаси ёшга қараб ошади ($p<0,001$), бу эса қўшма яллиғланиш жараёнининг ривожланишида ушбу ситокиннинг муҳимлигини таъкидлайди.

Олинган маълумотлар яллиғланиш жараёнларини назорат қилиш ва касаллик ривожланишининг олдини олишга қаратилган АА мониторинги ва терапиясига ёшга хос ёндашув зарурлигини тасдиқлайди.

АА билан оғриган беморларда аниқланган тизимли ва локал иммунитет-яллиғланиш реакциялари касаллик ривожланишининг патогенезида муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Цитокинларнинг гиперсекрецияси билан

кечадиган сурункали яллиғланиш компенсатор-мослашув жараёнларининг бузилишига ва бўғимларда дегенератив-деструктив ўзгаришларнинг кучайишига олиб келади.

Сўнги йилларда кўшимчанинг функционал ҳолатини белгиловчи асосий аъзога хос таркибий қисмларидан бири бўлган синовиал суюқликдаги иммун ҳолати тавсифи бўйича тадқиқотлар натижалари ҳали ҳам кам ва бир-бирига зид. Айниқса, маҳаллий, хусусан, гуморал иммунитет ҳолати бўғимдаги яллиғланиш жараёнининг кечиши ва прогнозини белгилайди.

Шунинг учун тадқиқотнинг ушбу босқичида биз АА билан касалланган беморларда умумий намунада ҳам, беморларнинг ёшига қараб ҳам маҳаллий ва тизимли даражада гуморал иммунитет ҳолатини таҳлил қилишга қарор қилдик. Иммуноглобулинлар даражасини баҳолаш СД20+ лимфоцитлар субпопуляцияси ҳолатини билвосита баҳолаш имконини беришини инобатга олиб, уларнинг асосий функцияси иммуноглобулинлар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Ёш ёшдаги АА билан оғриган беморларнинг синовиал суюқлигидаги А, М, G иммуноглобулинларининг жами кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларининг ошишига нисбатан нотўғри тенденцияга эга бўлди, ўрта ёшдаги беморлар гуруҳида эса бу фарқлар ишончли бўлган ва жами IgA даражаси назорат кўрсаткичларидан 1,36 баравар юқори бўлган, жами IgM даражаси - 1,97 баравар, жами IgG даражаси - 2,41 баравар.

Иммуноглобулин E (IgE) ва секретор иммуноглобулин A (sIgA) нинг қон зардоби ва синовиал суюқликдаги кўрсаткичлари маҳаллий даражада фаол бўлган иммуноглобулинлар каби кўпроқ қизиқиш уйғотди.

Секретор иммуноглобулин A шиллик қават ҳужайралари яқинида жойлашган В-лимфоцитлар билан ишлаб чиқарилади, сўнгра ташилади ва эпителиал ҳужайраларнинг ўзига хос ҳужайра механизмлари орқали бўшлиқ ичидаги сиртга чиқарилади, шунинг учун sIgA нинг маҳаллий даражасини текширишда маҳаллий ва тизимли иммун ҳимоясини баҳолаш мумкин.

Назорат гуруҳида қон зардобининг ўртача sIgA даражаси $4,8 \pm 0,42$ мкг/мл ни ташкил этди. Артроз артрит билан оғриган беморларда бу кўрсаткич юқорироқ бўлган: беморларнинг умумий гуруҳида - $8,6 \pm 0,41$ мкг/мл, ёш ёшдаги беморларда (1-гуруҳ) - $8,3 \pm 0,41$ мкг/мл, ўрта ёшдаги беморларда (2-гуруҳ) - $8,8 \pm 0,52$ мкг/мл (1-расм).

Синовиал суюқликнинг ўртача миқдори назорат гуруҳи беморларда $45,2 \pm 0,42$ мкг/мл. Артрозо артрит билан оғриган беморларда эса бу кўрсаткич сезиларли ошган. Умумий гуруҳ беморларда $94,4 \pm 11,22$ мкг/мл, ёшларда эса (1-гуруҳ) $61,4 \pm 8,24$ мкг/мл, ўрта ёшдаги (2-гуруҳ) беморларда эса энг юқори кўрсаткич $109,1 \pm 10,09$ мкг/мл (назорат гуруҳига нисбатан $p < 0,01$) ни ташкил этди (2-расм).

Қон зардобидидаги sIgA даражаси бўйича беморлар гуруҳлари ўртасидаги фарқлар кам, аммо назорат гуруҳи қийматларидан ошиб кетади, бу эса артрозо-артрит билан оғриган беморларда шиллик қаватларнинг кичик тизимли иммун реакцияси мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари синовиал суюқликда sIgA даражасининг сезиларли даражада ошганлигини ва артрозо-артрит билан оғриган беморларда қон зардобининг ўртача ўсишини кўрсатмоқда. Синовиал суюқликда sIgA нинг ишончли кўпайиши, айниқса, ўрта ёшдаги беморларда (2 гуруҳ) намоён бўлади, бу эса янада фаол яллиғланиш жараёни ва иммун жавобнинг ёш хусусиятларидан далолат бериши мумкин.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, гуморал иммунореактивлик маҳаллий даражада, айниқса, ўрта ёшдаги артроз-артрит билан оғриган беморларда кўпроқ намоён бўлади ва бу касалликнинг узоқ давом этишига ва такрорланишига олиб келади.

Маҳаллий ва тизимли даражада оксидатив стресс ҳолатидаги ўзгаришларнинг аҳамиятини аниқлаш учун синовиал суюқлик ва солиштириладиган АА 1 ва 2 гуруҳ беморларининг қон зардобидаги супероксиддисмутаза ва малон диалдегид (МДА) таркибини аниқладик.


Ўрганиб чиққанимизда, иккала ёш гуруҳидаги АА билан оғриган беморларда қон зардобида супероксиддисмутазанинг антиоксидант ферменти фаоллигининг пасайиши кузатилади. (ёш ёшдаги беморларда $781,6 \pm 150,84$ пг/мл гача ва ўрта ёшдаги беморларда $494,2 \pm 90,52$ пг/мл гача) ($934,2 \pm 76,4$ пг/мл) кўрсаткичига нисбатан, бу организмнинг антиоксидант хусусиятлари пасайганлигини кўрсатади, бундан ташқари, ўрта ёшдаги беморларда бу фарқ ишончли равишда 1,9 баравар паст бўлган. ($p < 0,05$) ёш беморларда 1,2 баробар пасайиш тенденциясига нисбатан.

Аммо синовиал суюқликда СОД даражасидаги ўзгаришлар бошқача эди. Ёш беморларда, шунингдек, назорат гуруҳига ($897,5 \pm 61,8$ пг/мл) нисбатан СОД даражаси 1,4 баробар ($638,3 \pm 126,2$ пг/мл гача) пасайганини кўрмоқдамиз. Ўрта ёшдаги беморларда эса қарама-қарши кўриниш - назорат гуруҳига нисбатан СОД даражаси 1,2 баробар ошганини кўрамиз. Бу эса беморларнинг ёшига қараб оксидатив стресс механизмидаги фарқларни кўрсатади.

Малон диалдегид (МДА) липидларнинг қайта оксидланиши натижасида ҳосил бўлади ва оксидловчи стресс белгиси сифатида ишлатилади. Шундай қилиб, ёш беморларда қон зардобидаги МДА даражаси 4,9 баробар ($10,64 \pm 1,7$ мкмол/мл), ўрта ёшдаги беморларда эса назорат гуруҳига ($2,18 \pm 0,33$ мкмол/мл) нисбатан 5,8 баробар юқори ($12,68 \pm 1,29$ мкмол/мл) бўлган. Синовиал суюқликда бу жараён камроқ интенсив бўлиб, ёш беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ($1,64 \pm 0,46$ мкмол/мл) 3,9 баравар ($6,38 \pm 1,13$ мкмол/мл), ўрта ёшдаги беморларда 4,5 баравар ($7,43 \pm 1,27$ мкмол/мл) юқори бўлган (2-расм). Юқори МДА даражаси фаол кислород шакллари туфайли хужайра мембраналарининг интенсив бузилишини акс эттиради. Юқори даражадаги МДА эса қўшма тўқималарда яллиғланиш жараёнини кучайтиради ва тоғайнинг дегенерациясини тезлаштиради, бу эса АА кечишини кучайтиради.

СОД ва МДА ўртасидаги боғлиқлик антиоксидант тизимнинг мувозанатини сақлашдан иборат, чунки СОД фаоллигининг пасайиши кислороднинг фаол шакллари тўпланишига олиб келади, бу эса ПОЛ жараёнларини кучайтиради ва

МДА миқдорини оширади. Ушбу ҳолат оксидланиш зарарланишининг ёпиқ халқасини яратади, бу эса АА ривожланишини тезлаштиради.




1-расм. Текширилаётган гуруҳларда АА билан оғриган беморларда қон зардоби ва синовиал суюқликда МДА миқдори (мкмоль/мл)

